



**ХДП ҲАЁТИ**

## ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ СИНОВИ

### ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ "ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ" КЎРИК-ТАНЛОВИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ



Депутат одамлар ишончини елкасига олган вакил, уларнинг дардини ўзиникидек қабул қиладиган инсон. Депутатлик оддий лавозим эмас, у халқ билан давлат ўртасидаги мустақам кўприкдек. Кимдир ўқитувчи бўлган, кимдир тадбиркор, кимдир шифокор, яна кимдир бошқа касб эгаси. Лекин уларни бирлаштириб турадиган боғлиқлик – бу сайловчи ишончи. Унинг ортида жуда катта масъулият туради.

Чунки одамлар кимнидир танлаётганда шунчаки овоз бериб қўймайди. Улар ўз муаммоларининг ечимини, орзу-умидларининг рўёбини ўша инсонга топширади. Шу маънода депутат фаол бўлиши жуда муҳим. Халқ вакиллари ташаббускор бўлса, ўзига ҳам, партиёга ҳам

ишонч ортади, сайловчилар унга янада яқинлашади, жамиятда ижобий ўзгаришлар кўпроқ сезилади.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Халқ демократик партиёси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, стратегия ва дастурларда белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда тўплаган улкан тажрибасини алмашиш учун ҳар йили "Энг фаол депутат" кўрик-танловини ўтказиб келади.

Мазкур танловнинг биринчи bosқичи дастлаб шаҳар-туманларда бўлиб ўтди. Сараланган фаол депутатлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят bosқичларида билим, кўникмаларини синовдан ўтказди. Ўтган ҳафтада қадим ва навқирон Самарқанд мезонлик

қилган тадбирда эса 14 ҳудудда кучли деб топилган халқ вакиллари республика биринчилиги учун беллашди.

Кўрик-танловнинг бу йилги республика bosқичи "Кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга интиламиз!" шиори остида ташкил этилди.

Йилнинг энг фаол депутати бўлиш бу, аввало, кундалик меҳнат, масъулият ва натижанинг йиғиндиси. Фаол депутат кабинетда ўтириб эмас, маҳаллада, кўчада, одамлар орасида кўпроқ вақт ўтказди. Муаммоларга бефарқ бўлмайди, уларнинг ечимини излайди. Вазиятни тез англаб, унинг ортидаги сабабни кўра олади ва муҳими, ўз сиёсий позициясидан келиб чиқиб, таклиф беради.

► (Давоми 4-бетда)

**ПАРЛАМЕНТДА**

## ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДАН ЎТДИ



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун лойиҳалари ва парламент назорати фаолиятига доир масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисида дастлаб тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал ҳамда Солиқ кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, солиқ тўловчи бўлган тадбиркорлик субъекти ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлигини тан олганда ва эътироз билдирмаганда, тадбиркорнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

**МУНОСАБАТ**

## БУНЁДКОРЛИК, ИННОВАЦИЯЛАР ВА БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОС МАКОНИ



Водий гавҳари – Фарғона вилояти юртимизнинг сўлим, бой тарихий ва иқтисодий салоҳиятга эга ҳудудларидан саналади. Сўнгги йилларда бу ерда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ҳудуд инфратузилмасини замон талаблари даражасига олиб чиқиб, очик чеҳра, меҳмондўст фарғоналикларнинг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, сўнгги йилларда вилоятда 8 миллиард 200 миллион доллар инвестиция ҳисобига 8 мингта замонавий қувват ишга туширилди. Тадбиркорлик учун 100 триллион сўм ресурс йўналтирилди, тижорат майдонлари 10 миллион квадрат метрга кўпайди. 13,5 минг кичик ва ўрта корхона ташкил этилиб, уларнинг сони қарийб 2 қарра ошди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробарга, саноат 1,5 баробарга, хизматлар 3 баробарга ўсди. Асосийси, сўнгги тўрт йилда ишсизлик 9,2 фоиздан 4,6 фоизга, камбағаллик даражаси эса 11,6 фоиздан 5,2 фоизга тушди.

► (Давоми 3-бетда)

**ИНСОН ҚАДРИ УЧУН**

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: АНИҚ, МАНЗИЛЛИ ВА САМАРАЛИ

Ферузанинг ҳам ҳамма қизлар қатори осмон қадар чиройли орзулари бор эди. Бир ҳунарнинг бошини тутиб, жамиятда ўрнини топиш, гулдай рўзгорнинг бекаси бўлиш, оналик бахтидан қувониш... Ҳар бир қиз ҳақли бўлган бу орзулар ҳаётнинг Феруза учун "атаган" синовлари қаршисида шунчаки хаёлотга айланди. Турмуш чиғирлиқлари унинг сабрини, қаноатини кўп синади. Охир-оқибат боқувчиси йўқ ёлғиз аёл, устига-устига ногиронлиги бор фарзанднинг онаси ўлароқ рўзгор тебратиш машаққати билан рўбарў қолди.



► (Давоми 6-бетда)

## ПАРЛАМЕНТДА

# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАДАН ЎТДИ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Хуқуқбузарлик бартараф этилганда ҳисобварақ фаолиятига қўйилган чекловни бекор қилиш ҳам солиқ органи томонидан амалга оширилиши таклиф этиляпти. Эндиликда қоидабузилиш тан олинса, иш судгача бормайди. Киритилаётган мазкур ўзгартиришлар қоидабузилишларни тез фурсатда бартараф қилиш ва тадбиркорга фаолиятини қисқа вақтда қайта давом эттириш имконини беради. Шу билан бирга, солиқ тўловчи солиқ органининг қарори юзасидан эътироз билдирса, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органининг аризасига асосан Иқтисодий суд томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар, экспертлар билдирган таклиф ва тавсиялар ишчи гуруҳ ҳамда қўмита аъзолари иштирокида батафсил кўриб чиқилгани, лойиҳа нормалари такомиллаштирилгани таъкидланди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН ДАВЛАТ ПЕНСИЯ КАФОЛАТЛАРИ

Ҳарбий хизматчиларнинг давлат пенсия таъминоти мамлакатда ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Зеро, ҳарбий хизмат ўзининг масъулияти, хавф-хатари ва юксак интизоми билан ажралиб туради, шунинг учун бу соҳада хизмат қилган шахсларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш тизими нафақат уларнинг хизматдан кейинги ижтимоий барқарорлигини кафолатлайди, балки давлатнинг ўз ҳимоячиларига бўлган эътибори ва ғамхўрлигини ҳам ифода этади.

Мажлисда "Ҳарбий хизматчиларнинг (ҳодимларнинг) ва уларнинг оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Лойиҳа билан ҳарбий хизматчилар (ҳодимлар) ва уларнинг оила аъзоларини давлат пенсиялари билан таъминлашнинг хуқуқий асосларини қонун билан белгилаш, ушбу пенсияни тайинлаш шартлари, турлари, миқдорлари ва тартибига оид нормаларни такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, ҳарбий хизматда 30 йилдан ортиқ хизмат қилганлар учун пенсиянинг базавий миқдорини аниқлашда иш

ҳақининг ҳисобга олинадиган миқдорини 75 фоиздан 100 фоизга ошириш, шунингдек, пенсия тайинлашда асос бўладиган пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорини ўн бараваридан келиб чиқиб ҳисоблаш амалиётини ўн икки бараваридан келиб чиқиб амалга ошириш таклиф этилмоқда.

Имтиёзлар Ватанимиз ва халқимиз хавфсизлигини таъминлашда узоқ йиллар фидокорона хизмат қилган, ўз ҳаётини юртимиз истиқболи учун соҳага бўлиб, фидойилик кўрсатган ҳарбийларимизни қўшимча рағбатлантириш, ёшларимизда бу соҳага бўлган меҳр ва иштиёқни ошириш, уларни ватанпарварлик

мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, тажовузкор уринишларнинг олдини олиш, ёшларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамоат хавфсизлиги ва тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш билан боғлиқ хуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунга экстремизмнинг олдини олиш, бу ҳақда хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, экстремистик ташкилотларни белгилаш тартибларини хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган нормалар киритилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАР

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган хуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Қонун лойиҳасида кибержиноятларга қарши курашиш фаолиятида иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги ушбу йўналишда ваколатли орган сифатида белгиленган.

Давлат органлари, банклар, тўлов ташкилотлари ҳамда интернет-провайдерларнинг масъулияти оширилмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шубҳали молиявий операцияларни мунтазам мониторинг қилиш ва ваколатли органларга тезкор ахборот тақдим этиш каби вазифалар шулар жумласидан.

Кибержиноятлардан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш институти жорий этиляпти. Ҳужжат жабрланганларга хуқуқий маслаҳат бериш, уларнинг қонуний манфаатларини тиклаш, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда молиявий ва рақамли саводхонлигини ошириш каби мақсадларни кўзлагани билан муҳим аҳамиятга эга.

Лойиҳа доирасида кибержиноятларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган янги механизмлар ҳам жорий этилмоқда. Хусусан, шубҳали транзакцияларни мониторинг

қилиш орқали уларни тезкор тўхтатиш, салбий омилларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш ҳамда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш кўзда тутилган.

Алоҳида эътибор "молиявий пирамида" кўринишидаги фибригарлик схемаларига қарши курашишга қаратилмоқда. Бундай ноқонуний фаолиятларни барвақт аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича самарали механизмлар йўлга қўйилмоқда.

Муҳокамалар якунига кўра, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

## РАҚАМЛИ МУҲИТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитда содир этилаётган хуқуқбузарликларга қарши курашиш бугунги кунда давлат ва жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши инсон ҳаётини енгиллаштириш билан бирга, турли кибержиноятлар, тажовузкор уринишларига асосида химоя чораларини кучайтириш ҳамда хуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизимни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса нафақат рақамли муҳит хавфсизлигини таъминлайди, балки фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади. Депутатлар киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитда содир этилаётган хуқуқбузарликларга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Қонун лойиҳаси билан банк карталари, электрон ва крипто-ҳамёнлар ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи маълумотларни қонунга хилоф равишда бошқа шахсларга берганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиленмоқда.

Шунингдек, СИМ-карталар, шахсий аккаунтлар ва идентификация воситаларини бошқа шахсларга ноқонуний бериш ёки улардан фойдаланиш ҳолатлари учун ҳам жавобгарлик чоралари кучайтириляпти.

Лойиҳада муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиленган. Банк ва тўлов ташкилотларида ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилмагани сабабли юзага келган зарарни банклар ва тўлов ташкилотлари томонидан қоплаш механизми жорий этилмоқда.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилмоқда. Тергов органларига банк маълумотларини тақдим этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ҳамда ушбу талабларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини қатъийлаштириш таклиф этилмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг айрим нормаларини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб, бир қатор таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар. Қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИ ЯНАДА ОШАДИ

Мажлисда давлат ветеринария назоратини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинмоқда. Ушбу лойиҳа миллий

қонунчилик ҳужжатларини халқаро меъёрлар билан интеграция қилишда жуда муҳим. У амалдаги қонунни Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги битимига, Жаҳон ҳайвонлар соғлиги ташкилоти талабларига мувофиқлаштирилмоқда. Ветеринария назорати самарадорлигини ошириш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда антибиотик ва зарарли моддаларни мониторинг қилиш, хавфни эрта аниқлаш ва уни камайитириш тартиблари белгиленмоқда. Ветеринария товарларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва реализация қилишда хавфни таҳлил қилиш ва бошқариш Давлат ветеринария хизмати томонидан амалга оширилиши таклиф этилмоқда.

Давлат ветеринария хизматида юқумли касалликлар бўйича худудлар (кичик худудлар) ва хавфсизлик тоифасини белгилаш ваколати берилмоқда. Бу юқумли касалликларни эрта аниқлаш, улар тарқалишининг олдини олиш, пировардида аҳоли саломатлигини мустаҳкам ҳимоя қилишининг аниқ хуқуқий асосини яратди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан худудларни эпизоотик ҳолатга қараб тоифалаш таклиф этилмоқда. Лаборатория назорати кучайтирилади. Ветеринария дори воситалари муомаласи устидан қатъий мониторинг ўрнатилди.

Қонун лойиҳаси ветеринария соҳасида ягона ва аниқ тамойилларни шакллантиради. Давлат назоратининг очқиллиги ва самарадорлигини мустаҳкамлайди. Бу миллий маҳсулотларнинг халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиради.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

Депутатлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш.Хидоятовга "Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан риоя этилиши устидан давлат архитектура назоратини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқишди.

Қонунчилик палатаси депутатларнинг сайлов округларидаги учрашувлари ва худудларда ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари давомида соҳада ҳали ўз ечимини қутаётган қатор масалалар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги ўрганишлар чоғида айрим ҳолларда шаҳарнинг бош режасига зид равишда қурилиш ишлари олиб борилаётгани маълум бўлди.

Шунингдек, таҳлилларга кўра, 2025 йилда ҳамда 2026 йилнинг биринчи чоғида республика бўйича жами 943 та бино ва иншоотлар аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига зид равишда қурилган.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, вазирлик томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, ўзбошимчилик билан қурилган иморатларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантилган тушунтиришлар бериш ҳақида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирига парламент сўрови юборилди.

Шунингдек, япни мажлис кун тартибидан ички ишлар вазири А.Тошпўлатовга "Автомобиль йўлларидидаги фото-видео қайд этиш техника воситаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги самарадорлиги ҳамда йўл ҳаракати соҳасига ахборот технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Бу борадаги муаммолар ва аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган масалалар бирма-бир кўриб чиқилди. Уларни бартараф этиш юзасидан асослантилган тушунтиришлар бериш ҳақида ички ишлар вазирига парламент сўрови юборилди.

Лазиза ШЕРОВА,  
"Ўзбекистон овози"  
муҳбири.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМ ИШЛАШ ПУХТА ЁНДАШУВ ВА СТРАТЕГИК ҚАРОРЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

**Иқтисодий юксалишнинг барқарор суръати жамият ҳаётининг барча жаҳасида ўсишни рағбатлантириш ҳамда одамлар турмуш фаровонлигини яхшилашнинг асосий шарти ҳисобланади. Бунинг маънавий илдизи ҳам муҳим. Яъни жамиятда инсонлар қора қозонни қандай қайнатиш, тирикчилик ташиши билан яшаш қўтқусидан халос бўлса, ризқ топишдан ортган вақт ва энергияни илм олишга, тафаккур қилиш ва шахсий ривожланишга сарф этади. Моддий етишмовчилик туфайли келиб чиқадиган оилавий низола, ажрашишларнинг олди олинади. Мамлакатда камбағаллик даражаси тушиб, ижтимоий кайфият некинбланиши, иқтисодий қийинчилик сабаб бўлган жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар камаяди. Шу нуқтаи назардан барчамиз – қайси соҳада фаолият юритмайлик - иқтисодий ислохотларга дахлдорлик туйғуси билан бундаги ҳар бир ўзгаришни, тебранишни диққат билан кузатамиз.**

Инчунун, сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни халқаро миқёсда янги босқичга олиб чиқиш ишлари жадаллик касб этаётгани эътиборлидир. Халқаро валюта жамғармаси томонидан яқинда эълон қилинган ҳисоботда юқори иқтисодий фаоллик орқали Ўзбекистон кучли ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолаётгани қайд этилгани ҳам бежиз эмас. Шу билан бирга, Ўзбекистон "Иқтисодий эркинлик индекси"да 14 поғона юқорилаб, илк бор "иқтисодиёти мўтадил эркин" давлатлар қаторидан жой олгани қувонарли.

Ўтган ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудуд ва тармоқлардаги иқтисодий ўсиш таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида бу ютуқлар яна бир бор эътироф этилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот 8,7, саноат 8, хизматлар 16,1, қишлоқ хўжалиги 5,1 фоизга юқорилади. Экспорт 5,8 миллиард долларни, хорижий инвестициялар ҳажми 13,7 миллиард долларни ташкил қилди. Инфляция йиллик ҳисобда илк бор 7,1 фоизгача пасайди.

Мазкур рақамлар иқтисодий ислохотларнинг пухта стратегик қарорлар асосида амалга оширилаётганини тасдиқлайди. Бироқ бундай кўтаринки натижаларга маҳлиё бўлиб, асло хотиржамликка берилиб ҳам бўлмайди. Таҳлилий-танқидий руҳда кечган

йиғилишда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлар билан ишлашдаги камчиликларга диққат қаратилди. Масалан, кичик бизнесга берилган ҳар 1 миллиард сўм кредит ҳисобига Ширин шаҳрида 20 та, Учқудқда 17 та, Хонобод ва Сўҳда 14 тадан, Томди туманида 13 та доимий иш ўрни яратилгани ҳолда Учқўприк, Пискент, Бўстонлиқ, Кармана, Қўргонтепа туманларида бу бўйича кўрсаткич сезиларли даражада пастлиги айтиб ўтилди. Жойларда айрим раҳбарлар тадбиркор муаммосини ҳал қилиш ўрнига масъулиятдан қочаётгани, масала республика даражасига чиққач, ўзини оқлаш билан овора бўлаётгани ҳам таассуфли. Нурафшон шаҳрида бюрократик тўсиқлар сабабли икки йилдан бери қурилишни бошлаб олимаётган тадбиркорга ёрдам бериш ўрнига бу маълумот Президент даражасига қандай етиб берганини қидириш билан овора бўлингани, Ғузор, Нарпай, Урганч, Янгийўл, Чиноз туманларида тадбиркорлик инфратузилмаси учун ажратилган 262 миллиард сўм маблағ бўла туриб, лойиҳалар бошланмагани танқид қилинди.

Ўз навбатида бу камчиликларнинг амалий ечимлари ҳам кўрсатилди. Кредит ресурсларини тақсимлашда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, туман банкларини сунъий интеллект билан ишлашга ўқитишни бошлаш, тадбиркорлар учун кредит олишда лойиҳанинг параметрлари, рисклари ва бозордаги талабни таҳлил қилиб, тайёр

ечимлар берадиган "Сунъий интеллект маслаҳатчиси" платформасини ишга тушириш топширилди.

Йиғилишда инфляцияни жиловлаш масаласи тилга олинди. Бинобарин, иқтисодиёт ўсгани билан агар инфляция ҳам ошса, аҳоли ва тадбиркорлар ҳаётида ижобий ўзгариш сезилмаслиги тайин.

Жумладан, йил бошидан дунёда нефть нархи 40 фоизга ошган. Давлатлараро зиддиятлар оқибатида логистика коридорлари ўзгариб, маҳаллий маҳсулотлар экспорти ва асосий истеъмол товарлари импортида ташиш харажатлари 25-30 фоизга кўпаймоқда. Бу ички нарх-навога кўшимча босимни юзага келтирмоқда.

Бироқ бу ташқи босимларни баҳона қилиб, инфляция бўйича ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Истеъмол саватидаги маҳсулот ва хизматларнинг 70 фоизи маҳаллий эканини назарда тутсақ, жорий йилда инфляцияни 6,5 фоиз даражасида сақлаб қолиш учун маҳаллий маҳсулотлар таклифини кўпайтириш ва нархларни арзонлаштириш самарали чорадир.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги дунё ҳамжамияти олдида турган энг долзарб масалалардан бирига айланган. Айни жараёнда мамлакатимиз ҳам қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Иқтисодий ўсишнинг биринчи чорак якунлари ҳақида сўз борганда, қорамол импорти икки қарра камайгани, бунга тезкор ечим сифатида самолётда ташиладиган ҳар бир насли қорамол учун 4 миллион сўмгача, гўшт импортида эса транспорт харажати яқини қоплаш йўлга қўйилгани маълум қилинди. Аҳолининг гўштга бўлган эҳтиёжини қондириш учун иккинчи чоракда 45 минг тонна, йил якунига ҳам 130 минг тонна гўшт импортини таъминлаш зарурлиги белгиланди.

Йилнинг биринчи уч ойлигида саноат прогнозига чиқа олмаган 13 та туман ҳоқимига режага қанча етмаганига қараб интизомий чора кўриш, мутасаддиларга ишлаб чиқариш ва экспорти камайган ҳар бир қорхонага бориб, экспортни молиялаштириш ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича муаммоларни жойида

ҳал қилиш топширилди. Шу йўсинда иккинчи чорак якуни билан соҳада ишлаб чиқариши 25 триллион сўмга, экспортни 1 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда.

Давлат идораларини ихчамлаштириш ва бизнес учун янги майдонлар очиб масаласи ҳам муҳокама қилиниб, беш йиллик дастур тайёрлаш, жорий йилда 26 та туманда давлат идораларини бир жойга кўчиришни бошлаш топширилди.

Яна бир долзарб йўналиш – иқтисодиётга хорижий сармоялар оқимининг ортиши инвестиция муҳити қай даражада жозибдор эканлиги билан чамбарчас боғлиқ. Жорий йилда мамлакатимизда 53 миллиард доллар миқдорига хорижий инвестицияни жалб қилиш кутилаётган бир пайтда жойлардаги раҳбарлар биринчи қадамданок тўғри лойиҳа танлаб, унга мос салоҳиятли инвестор топиши, инвестицияда сифатга жиддий ёндашиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Дейлик, юртимизда хорижий инвестиция иштирокидаги 18 мингдан ортиқ қорхона фаолият юритмоқда. Лекин ишлаб чиқариши бор 526 та қорхона бирор марта ҳам экспорт қилмаган. Яна 767 та хорижий инвестиция иштирокидаги қорхона фақат четдан товар олиб келиб, сотиш билан шугулланмоқда. Улар билан ишлаб, четдан маҳсулот олиб келиб сотаётган қорхоналарга шу ернинг ўзиде ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар таклиф қилиш, уларни маҳаллий тадбиркорлар билан бошлаш, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича кооперацияни ташкил этиш, ички бозорда ишлаётган қорхоналарга экспортга чиқишда қўмақ бериш айти зарурат.

Йиғилиш якунида иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, иш ўринлари яратиш, экспортни кўпайтириш, инвестиция сифати ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилиш барча даражадаги раҳбарлар фаолиятида асосий мезон бўлиши кераклигига ургу берилди.

Бугунги глобал мураккаб вазият тақозоси шу!

**Ф. ИБРОҲИМОВА**  
тайёрлади.

МУНОСАБАТ

# БУНЁДКОРЛИК, ИННОВАЦИЯЛАР ВА БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОС МАКОНИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



**Шохруҳ ҲУКТАМОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.

Аҳолининг уй-жой шароити ҳам яхшиланиб бормоқда. Марғилондаги "Ипакчи" ва "Қиргули" маҳаллаларида 241 та эски ҳовли ўрнида 2,5 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилгани, шундай ээгү ишлар Езёвон, Қува туманлари, Қўқон ва Фарғона шаҳарларида ҳам қизғин суръатга киргани бунга мисол.

Шу билан бир қаторда охириги ўн йилда вилоятда 74 минг ўринли мактаб, 145 минг ўринли боғча ва 3 минг койкали шифоналар ишга туширилди. 167 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларда 40 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмақда. Таълим сифати ошгани натижасида ёшларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи бўйича Фарғона республикада 3-ўринга кўтарилди.

Фарғоналиклар табиятан миришкор эл. Бир парча ердан ҳам баракали даромад қилиш ҳадисини олишган. Ҳозирда вилоятда мева-сабзавот экспорти 3 қарра кўпайиб, 400 миллион долларга етгани ана шундай омилкорлик натижасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига бу галги ташири



ҳам ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маданий ҳаётида яна бир янги саҳифа бўлиб муҳрланди, десак янглишмаймиз.

Таширф давлата Кўқон шаҳридаги "Янги Ўзбекистон" массивида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишишдан бошланди. Мазкур ҳудудда замонавий уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилаётгани Фарғонанинг бугунги киёфаси тубдан ўзгариб бораётганидан далолат беради. Янги массивлар нафақат замонавий инфратузилмаларни яратмоқда, балки одамларнинг турмуш маданияти ва дунёқарашига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фарғона вилояти ҳаётидаги муҳим янгиликлардан бири – водий шаҳарларини боғловчи электропоезд қатновининг йўлга қўйилганидир. Ушбу лойиҳа транспорт тизимини сезиларли даражада такомиллаштириб, аҳолининг ҳаракатчанлигини ошириш, иқтисодий

алоқаларни мустаҳкамлаш ва туризмни ривожлантириш учун янги имконият эшигини очмоқда.

Таширф давомида саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қувасой шаҳрида фаолият юритаётган замонавий қорхоналарда маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ҳудуд иқтисодиётининг барқарор ўсишига хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида эса янги ҳаёт ёндашув – агрокластер ва кооперация тизимининг жорий этилиши деҳқон ва томорқа эгалари даромадини ошириш, маҳсулотни етиштиришдан тортиб экспортга бўлган жараёнларни ягона тизимда ташкил этиш имконини берапти.

Таширфнинг энг ёрқин воқеаларидан бири, албатта, Марғилон шаҳрида барпо этилган "Бурҳониддин Марғиноний" мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Мазкур мажмуа Фарғонанинг бой тарихий ва маънавий меросини замонавий туризм инфратузилмаси билан уйғунлаштирган йирик лойиҳа бўлиб, у ўзига хос "шаҳар ичидаги шаҳар" сифатида қад ростлаган.

Мажмуада миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган меҳмонхоналар, хўнарандлар маркази, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, музейлар ва маданий майдонлар жойлашган. Бу ерда қадимий Марғилон руҳини ҳис этиш билан бирга замонавий қулайликлардан фойдаланиш шарт-шароити мавжуд.

Айниқса, буюк аллома Бурҳониддин Марғиноний меросини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган илмий-маърифий йўналиш мажмуанинг асосий мазмунини белғилайди. Бу мажмуа сайёҳлар учун жозибдор маскан, илм-фан, маърифат ва маданият марказига айланиши кутилмоқда. Унинг ҳудудида музейлар, жумладан, адабий ва тарихий саҳналарни акс эттирувчи экспозициялар, миллий санъат ва хўнарандчилик намуналари Фарғона заминининг бой маданий қатламларини кенг намодн этади. Бу эса ўсиб келаётган авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутайди.

Мажмуанинг тўлиқ ишга туширилиши минглаб янги иш ўринлари яратилиши, ҳудудга юз минглаб сайёҳлар жалб этилиши ва хизматлар секторининг сезиларли даражада ошишига туртки беради. Бу Фарғонанинг маданий-туристик марказ сифатида ҳам ривожланиши учун муҳим қадамдир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Бурҳониддин Марғиноний" илмий-маърифий ва туризм мажмуаси Фарғона ривожига янги даврни бошлаб беради.

Ҳа, бугун Фарғона фақат саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланаётган ҳудуд эмас, балки улкан бунёдкорлик, илғор инновациялар ва бой маънавий мерос уйғунлашган, Янги Ўзбекистон ғоялари амалда рўёбга чиқаётган замонавий манзилга айланмоқда.

## ХДП ҲАЁТИ



# ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ СИНОВИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ "ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ" КЎРИК-ТАНЛОВИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, фаол депутат муаммолар, мурожаатларга бошқача назар қарайди. Ундан "...кейин кўрамиз, кейинроқ ҳал қиламиз", деган жавобни асло эшитмайсиз. У ҳар бир муаммони, мурожаатни реал иш сифатида қабул қилади ва уни охиригача етказишга ҳаракат қилади. Чунки ҳар бир мурожаат ортида битта инсоннинг ҳаёти туради, муаммолар ортида юзлаб, минглаб инсонлар манфаати ётади.

Танловда депутатларнинг ана шу сифатларига, яъни фаоллик, сиёсий ҳозиржавоблик, масъулият ва ташаббускорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Табиийки, танлов бор жойда шартлар ва уларга қўйилган баҳолаш бўлади. Иштирокчилар 3 та шарт асосида беллашди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир шартни 5 баллик тизимда баҳолаб борди.

Биринчи шарт "Аҳоли муаммосини ҳал этишнинг энг самарали йўли" деб белгиланди. Мазкур шартда иштирокчилар ҳудудлардаги аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўрганиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларни қайси самарали йўл билан амалга ошираётганини тақдимот орқали тушунтириб

нуктаи назардан баҳолаб бордик.

Депутатлар ўзларига ва ўз касбдошларининг фаолиятига четдан назар ташлаш имконига эга бўлишди. Тажриба алмашиш, билганларини такрорлаш, билмаганларини ўрганишга эришишди. Чунки танловга тайёргарлик жараёни бир кунда амалга ошмади. Иштирокчиларнинг нафақат назарий билими, балки округларда ишлаш кўникмаси ҳам ошганига шубҳа йўқ.

Танловни кузатиб шунга амин бўлдимки, фаол депутатларимизнинг барчаси фақат "гапирадиган" инсон эмас, балки натижа учун жавоб берадиган шахслардир. Улар орасида ўз позициясини аниқ ва қатъий ифода эта оладиганлар кўплиги бизни қувонтирди. Улар муҳокамаларда фаол қатнашиб, масалаларни чуқур таҳлил этишга ҳаракат қилмоқда.

Чунки сиёсий жараёнда ўз позициясини билдириш — бу шунчаки гапириш эмас. Бу, аввало, масъулият. Депутат ҳар бир сўзини жамиятдаги вазият, одамларнинг манфаати ва қабул қилинаётган қарорлар оқибатини ўйлаб айтиши керак. Шу маънода позицияни аниқ билдириш — катта сиёсий маданият белгиси.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир шарт бўйича иштирокчиларни

тўплаб, ғолибликни қўлга киритди.

Баҳром Ҳамроқулов (Жиззах) ва Санжар Собиржоновлар (Тошкент шаҳри) 2-ўринни, Олим Бақоев (Бухоро), Гулшанда Бобомуродова (Навоий) ва Облоберди Олимовлар (Фарғона) фахрли 3-ўринни эгаллашди.

### Азизбек РАҲМОНОВ, танлов ғолиби:

— Бугун жуда ҳаяжонданман. Танлов шартларини бажариш жараёнида депутатларимизнинг билими, савияси кучли эканлигини кўрдик, бу биз учун катта мактаб бўлди.

Биламизки, депутатлик — бу касб ҳам, ҳунар ҳам, мансаб ҳам эмас. Бу халқ ишончи билан берилган катта масъулият, деб ҳисоблайман. Ўтказилган кўрик-танлов эса ана шу масъулиятимизни элакдан ўтказди, десак хато бўлмайди.

Биз учун бу фақат танлов эмас, балки тажриба алмашиш майдони бўлди. Бошқа ҳудудлар депутатларининг иш услубидан кўп нарса ўргандик. Депутат фаолиятини баҳолашда фақат ҳисобот эмас, балки халқ билан ишлаш даражаси асосий мезон бўлиши кераклиги яна бир бор тасдиқланди.

Ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги ишини бошқалар



сахнаси ва шартлари бизни янада чарҳлади, ўзаро тажриба орттиришимизга имкон берган рақобат майдони бўлиб хизмат қилди. Ҳар бир депутатнинг фаолияти, халқ ишончи ўз ҳудудидаги муаммоларни ҳал қилиш, аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиш ва ташаббус кўрсатиш орқали баҳолини яна бир бор ҳис қилдик.

Мен учун энг муҳим жиҳат — фақат ўрин эмас, балки жараёнда олинган тажриба бўлди. Бошқа депутатларнинг иш услубини кўрдим, уларнинг ёндашувларини ўргандим. Танловда қатнашиб, масъулиятим янада ошганини англаяпман. Энди олдингига қараганда икки баравар кўпроқ ишлаш кераклигини англаяпман. Чунки ишончни сақлаш — ишончни олишдан ҳам қийинроқ.

Мен келгусида ҳам фаолликни ошириш, аҳоли билан янада яқин ишлаш бўйича янги режалар туздим. Янада кўпроқ масъулият, янада кўпроқ иш, сайловчиларим билан янада яқинроқ мулоқот фаолиятим мазмунига айланади.

### Баҳром ҲАМРОҚУЛОВ, танлов иштирокчиси (Жиззах вилояти):

— Танлов чинакам маънода партиямиздан сайланган депутатлар учун маҳорат мактаби бўлди. Унинг иштирокчиси сифатида катта тажриба олдим. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, аҳоли розилигига эришиш йўлида сафдош депутатлар билан тажриба алмашдик.

Аслида танловда ҳамма ғолиб. Танловда "Ташаббускор депутат" номинацияси билан тақдирланишим менга катта мотивация бериш билан бир қаторда ўз устимда кўпроқ ишлашим кераклигини кўрсатди. Сиёсий муҳит, эътибор, кучли депутатлар билан фикр ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдим.

Мен учун ташаббускорлик — бу фақат янги фикр билдириш эмас, балки мавжуд муаммога бефарқ бўлмастикдир. Кўпинча одамлар муаммони кўради, лекин ҳаракат қилишга ҳар ким ҳам жазм қилавермайди. Депутат учун эса бу энг муҳим нукта — кўриш, тушуниш ва ҳаракат қилиш.

Бу номинация менга шуни кўрсатдики, ҳар бир кичик ташаббус ҳам катта натижага

# ““

ҒОЛИБЛАР  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ  
ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ  
КЕНГАШИНING  
ДИПЛОМ ВА  
ҚИММАТБАҲО  
СОВҒАЛАРИ БИЛАН  
ТАҚДИРЛАНДИЛАР.

олиб келиши мумкин. Масалан, маҳалладаги оддий масала — йўл ёки ижтимоий шароит тўғри кўтарилса, бутун бир жамоа ҳаётига ижобий таъсир қилади. Албатта, бу ютуқ яқка меники эмас. Бу — жамоанинг, ҳамкорларимнинг ва, энг муҳими, менга ишонган одамларнинг ишончи натижаси. Чунки ташаббус ҳар доим яқка ҳаракат эмас, у ҳамкорлик ва ишончга таянади. Ғолиблар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Танловнинг ёпилиш маросимида сўзга чиққанлар ушбу танлов 1200 нафарга яқин маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўзаро амалий тажриба алмашишида, мурожаатларни ҳал қилиш, партия дастурий мақсадлари билан боғлиқ масалаларда депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, партия гуруҳлари ўрганишлари ва муҳокамалари орқали сессияларда самарали ташаббуслар билан чиқариш, депутат сўрови институти имкониятларидан электрот манфаатлари ҳимоясида натижадорликни кўтаришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.



беришди.

Танловнинг иккинчи шarti — "Сиёсий ҳозиржавоблик"да депутатларнинг саволларга қисқа вақтда аниқ ва тезкор жавоб бериши синовдан ўтказилди.

Танловнинг учинчи шarti "Муаммони ҳал қилиш" деб номланиб, унда иштирокчиларга аниқ бир муаммоли вазият берилди ва депутатларнинг оқилона ечим топишига эътибор қаратилди.

### Мавжуда ҲАСАНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Фаол депутат деганда фақат йиғинларда қатнашиш тушунилмайди. Ҳақиқий фаол депутатни катта минбарлардан эмас, балки маҳалла кўчаларидан топасиз. Бу — доим ҳаракатда бўлиш, муаммони ўз вақтида кўриш ва ечим излаш дегани. Фаол депутатнинг ўзи сайловчилар ҳузурига ошиқади, мурожаатни кутиб ўтирмайди, муаммоларни кўп ҳолларда ўзи ўрганади. Масала ҳал бўлмагунча ҳаловат топмайди. Шартлар давомида депутатлар чиқишларини шу

# ““

ТАНЛОВДА  
ДЕПУТАТЛАРНИНГ  
АНА ШУ  
СИФАТЛАРИГА, ЯЪНИ  
ФАОЛЛИК, СИЁСИЙ  
ҲОЗИРЖАВОБЛИК,  
МАСЪУЛИЯТ ВА  
ТАШАББУСКОРЛИГИГА  
АЛОҲИДА ЭЪТИБОР  
ҚАРАТИЛДИ.

белгиланган мезонлар асосида баҳолаб борди.

Умумий баллар натижасига кўра, Сирдарё вилоятидан депутат Азизбек Раҳмонов энг юқори балл

билан солиштириб, камчилик ва ютуқларини аниқроқ кўра бошлади. Бу эса, албатта, кейинги, фаолиятга ижобий таъсир қилади.

Бу танлов мен учун фақат мукофот эмас, балки янги босқичнинг бошланиши. Энди масъулият янада ортади. Чунки "энг фаол" деган номни олиш осон, лекин уни оқлаш анча қийин. Шунинг учун келгусида ҳам фаолликни сақлаб қолиш, янада кўпроқ ишлаб, одамлар ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

### Гулшанда БОБОМУРОДОВА, кўрик-танловнинг учинчи ўрин соҳибаси:

— Ҳар бир депутатнинг иши сўз билан эмас, амал билан баҳоланади. Депутат фаолиятини баҳолашда фақат статистика ёки ҳисоботлар эмас, балки халқ билан ишлаш маданияти, мурожаатларга муносабат ва реал натижалар асосий ўринда бўлиши керак. Чунки депутатнинг ҳақиқий баҳоси — бу одамлар ҳаётидаги ўзгариш.

Айтиш керакки, бу танловда иштирок этишнинг ўзи мен учун катта мактаб бўлди. Танлов



## ЁШЛАР – СИЁСАТДА

# ЯНГИ ФИКР, ЙЎЛ, ДАВР...



**Ҳозирги замонавий дунёда сиёсат фақатгина тажрибали сиёсатчилар майдони эмас. Чунки бугун ёшлар ҳам ушбу жараённинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланмоқда. Улар сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, давлат идоралари ва турли ташаббуслар орқали мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.**

**Энг муҳими, мамлакат тақдирига бефарқ эмас. Жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар хусусида ўз фикри ва қарашларига эга бўлган ёш авлод вакиллари дир. Қувонарлиси, бундай ёшлар "...менга барибир" демайди, балки "Мен нима қила оламан?" деб ўйлайдиган инсонлар. Шунинг учун уларда жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этиш истаги, ислохотларга дахлдорлик кучли.**

**Хабарингиз бор, бир неча йилдан бери Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан партиянинг "Ёшлар қаноти" аъзолари ўртасида "Сиёсатдаги ёшлар" интеллектуал турнири ўтказилмоқда. Ушбу турнир юзлаб, минглаб иқтидорли, фаол ва ташаббускор ёшларни кашф этди, сиёсатга қизиқиши баланд, жамиятда фаол бўлишга интиладиган лидер йигит-қизларни бир давра атрофига бирлаштирди.**

ҳаракат қилади. Иккинчидан, ёшлар адолат ва тенглик ғояларига кўпроқ мойил бўлиб, жамиятда шаффофлик ва очиқликни таъминлашга интилади. Учинчидан, улар технологиялардан самарали фойдаланиб, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни янги босқичга олиб чиқади.

Шу билан бирга, сиёсатдаги ёшлар жамиятдаги муҳим ижтимоий масалаларни илгари суришда ҳам етакчи бўлиб бормоқда. Таълим сифати, иш билан таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазаси, гендер тенглик каби масалалар айнан ёшлар томонидан фаол тарзда кўтарилмоқда. Бу эса сиёсатнинг мазмунини бойитиб, уни жамият эҳтиёжларига янада яқинлаштиряпти.

Турнирга тайёрланиш жараёнида кўп китоблар ўқидим, сиёсий-ҳуқуқий билиминни янада бойитдим. Чунки мен буни нафақат беллашиш, балки жамият учун фойдали ғояларимни баён қилиш имконияти, деб биланман.

"Сиёсатдаги ёшлар" минбарига туриб мен фақат ўз фикрларимни баён қилишни эмас, балки уларни аниқ, асосли ва ишончли тарзда ифодалашни ҳам ўргандим.

Шунингдек, бошқа иштирокчиларнинг ёндашувлари, ғоялари ва тажрибаларини эшитиб, масалаларга турлича қараш мумкинлигини тушундим. Бу эса менинг дунёқарашимни кенгайтди.

Энг муҳими, мен жамоа билан ишлаш, ўз фикримни ҳимоя қилиш ва конструктив мулоқот олиб бориш кўникмаларимни ривожлантирдим. Ушбу танлов мен учун фақат мусобақа эмас, балки шахсий ва касбий ўсиш имконияти бўлди.

Менинг фикримча, сиёсий фаоллик — бу фақат баёнот бериш эмас, балки муаммоларни ўрганиш, уларга ечим таклиф қилиш ва жамоатчилик билан очиқ мулоқот олиб бориш демакдир. Ёшлар янги ғоялар, янги ёндашувлар ва инновацион фикрлар билан ажралиб туради.

Шунинг учун ҳам мен ёшларни сиёсий ва ижтимоий жараёнларга янада кенг жалб қилиш тарафдориман. Чунки фаол ёшлар бор жойда ривожланиш, янгилик ва келажакка ишонч ҳам бўлади.

бўлди. Ҳар бир жамоа нафақат ғалаба учун, балки ўз ғоя ва позициясини илгари суриш учун курашди.

Турнирлар якунларига кўра, фаол ва иқтидорли ёшлар

бугунданок масъулиятни ҳис қилиб, жамиятда фаол бўлса, эртанги кун раҳбарлари сифатида етук, адолатли ва халқ манфаатларини устувор билладиган шахсларга айланади.

сиёсатга янги рух олиб киради. Уларнинг фикрлаши эркин, қарашлари замонавий, орзулари катта. Улар инновациялар, технологиялар ва глобал ўзгаришларни яхши тушунади,



**Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:

- Айтиш керакки, "Сиёсатдаги ёшлар" турнири шунчаки тадбир эмас, бу сиёсатга қизиқадиган, сиёсий-ҳуқуқий билими бор ёш аъзоларимиз учун ўзини синаб кўриш майдонидир. Турнирнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у ёшларни саводли, сиёсий онги ва маданияти юксак, фаол ва масъулиятли фуқаролар сифатида тарбиялайди. Шунингдек, партия аъзоларига қабул қилинган ёшлар орқали турнир нафақат билим, балки аниқ сиёсий тажрибани ҳам намоён этди.

Тасаввур қилинг, қайсидир ёш биринчи марта жамоат олдида фикр билдиряпти, кимдир эса муаммога ечим таклиф қилаяпти. Яна бири катта сахнада етакчилик қобилиятини намоён этмоқда. Ана шу жараёнда оддий кўринган ёшлар ичида катта салоҳият эгалари борлиги юзага чиқади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида интеллектуал турнир Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоят кенгашлари даражасида ташкил этилди. Унда республикамиздаги 42 та олий таълим муассасасидан 128 та жамоа иштирок этди. Тадбирга 2452 нафар ёшлар қамраб олинди. Бу рақам ёшлар орасида сиёсий жараёнларга қизиқиш, фаол фуқаролик позицияси ва мамлакат тараққиётига дахлдорлик ҳиссининг ортиб бораётганидан далолат беради.

Беллашувлар тасдиқланган низом асосида, икки босқичли тартибда, савол-жавоб шаклида ташкил этилди. Ҳар бир босқичда иштирокчиларга давлат босқичи ва конституция ва қонунчилик асослари, парламент ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, сиёсий атамалар, шунингдек, маънавий ва таҳлилий фикрлаш талаб этувчи жами 20 та савол тақдим этилди. Жамоалар ҳар бир саволни муҳокама қилиш учун белгиланган вақт доирасида ўз фикрларини шакллантириб, ёзма равишда ҳакамларга топширишди.

Айтиш керакки, ушбу тадбир нафақат билимлар синовини, балки ёшлар учун муҳим амалий тажриба мактабига айланди. Унда иштирок этган ёшлар жамоавий ишлаш, тезкор ва асосли қарор қабул қилиш, таҳлилий фикрлаш ҳамда ўз нуқтаи назарини аниқ ва асосли ифода этиш каби муҳим кўникмаларни ривожлантиришди. Айниқса, ёшлар ўртасида эркин ва очиқ мулоқот муҳитининг шаклланиши уларнинг сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда муҳим омил



саралаб олинди. Хусусан, 87 нафар ёш Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига қабул қилиниб, уларнинг сиёсий фоллигини янада қўллаб-қувватлаш учун мустаҳкам замин яратилди. Бу эса партиянинг истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш, келгусида етук мутахассислар ва фаол жамоат арбобларини тайёрлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.



**Шохруҳмирзо ҚОСИМОВ,**  
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи:

- Турнир доирасида ёшлар нафақат сиёсий билимларини, балки мулоқот маданияти, гуруҳда ишлаш, дебат ва мунозара олиб бориш, ўз нуқтаи назарини асослаш каби муҳим кўникмаларни ҳам шакллантиришди.

Энг муҳими, бу лойиҳалар ёшларга ишонч беради, сиёсий билимини оширади, кўпчиликнинг олдида ўзини эркин тутиш, гапира олиш кўникмаларини ривожлантиради. Яна бир аҳамиятли томони, уларда "Менинг фикрим аҳамиятли" деган тушунча пайдо бўлади. Ана шу ишонч эса ёшни фаолликка, масъулиятга ва катта мақсадлар сари етаклайди.

Чунки бундай ёшлар келажак лидерларидир. Улар



**"СИЁСАТДАГИ ЁШЛАР" ТУРНИРИ ШУНЧАКИ ТАДБИР ЭМАС, БУ СИЁСАТГА ҚИЗИҚАДИГАН, СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИ БОР ЁШ АЪЗОЛАРИМИЗ УЧУН ЎЗИНИ СИНАБ КЎРИШ МАЙДОНИДИР. ТУРНИРНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТИ ШУНДАКИ, У ЁШЛАРНИ САВОДЛИ, СИЁСИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИ ЮКСАК, ФАОЛ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ФУҚАРОЛАР СИФАТИДА ТАРБИЯЛАЙДИ.**

Бу партияимиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этишда партия сафидаги ёшларнинг салоҳиятидан фойдаланиш, юксак сиёсий билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган йигит-қизларни аниқлаш, истеъодларини рўйбага чиқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу тадбирлар нафақат пойтахтда, балки вилоят ва туман марказларида ҳам ўтказилмоқда. Масалан, вилоятимиз бўйича жами 187 нафар ёшлар иштирок этиб, сиёсий жараёнлар, партиявий иш фаолияти ҳамда жамоатчилик олдида нутқ сўзлаш кўникмаларини мустаҳкамлашди.

Тадбирни кузатиб, биласизми нима ҳақида ўйладим. Фаол, ташаббускор бу ёшларимиз

шунинг учун ҳам жамиятни янгилашда муҳим роль ўйнайди, Албатта, барча ёшлар бир зумда сиёсатчига айланиб қолмайди. Лекин энг кераклиси — уларда қизиқиш уйғонади, фикрлаш ўзгаради, бефарқлик йўқолади. Ва айнан шу — энг катта натижа.

### ЁШЛАР НИМА ДЕЙДИ?



**Азиза НАСРЕТДИНОВА,**  
Қарши давлат университети иқтисодий факультети ўқинчи босқич талабаси, Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори:

- Теран фикрли ёшлар жамиятини уйғотувчи кучдир. Холис баҳслар ва мулоқотлар, ҳар хил қарашлар атрофида тортишувлар натижасида тўғри фикр ғолиб чиқади ва устуворлик касб этади. Ёшлар жасоратлидир, чунки улар янгилик яратишга мойил. "Сиёсатдаги ёшлар" интеллектуал турнири эса ана шу мақсадга тўла-тўқис жавоб беради.

Турнирнинг вилоят босқичида иштирок этиб шуни кузатдимки, бугун тенгдошларим, партияимиз ёш аъзоларининг сиёсатдаги иштироки бир неча муҳим жиҳатлар билан ажралиб туради. Биринчидан, улар янгича фикрлайди. Анъанавий қолиплардан чиқиб, муаммоларга ноодатий ечимлар топишга



**Гулиярно АНВАРОВА,**  
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети талабаси, ЎзХДП "Ёшлар қаноти" фаоли:

- Дарсдан бўш вақтларимизда турнирга пухта тайёргарлик кўрдик. Ўқидик, изландик, жамоадошларимиз билан баҳслашдик. Тайёргарлик пайтида фикрни аниқ ва ишончли баён қилиш, бир-биримизни тинглаш ва конструктив танқид қабул қилиш кўникмаларини ҳам ривожлантирдик. Ҳар бир машғулот биз учун тажриба ва ўрганиш майдони бўлди.

Энг муҳими, биз жамоавий ишлашнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англадик. Чунки яхши натижага фақат индивидуал куч билан эмас, балки ҳамкорлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш орқали эришилади.

Келажакда орзуларим катта. Мен сиёсатчи, депутат бўлишни мақсад қилганман.

Мен халққа яқин бўлиш, уларнинг фикр ва эҳтиёжларини тинглаш, аниқлаш, ёшлар манфаатини ҳимоя қилишни жуда муҳим деб ҳисоблайман. Чунки ҳар қандай сиёсий қарор инсонлар ҳаётига бевосита таъсир қилади.

Шунинг учун мен ўзимни доимий равишда ривожлантиришга, билим олишга ва тажриба орттиришга ҳаракат қиламан. Келажакда жамият учун фойдали иш қила оладиган, масъулиятли ва халқ манфаатини устувор қўядиган сиёсатчи бўлишни истаётман.

**Кўш саҳифани**  
"Ўзбекистон овози" муҳбири  
**Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.**

## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундай кунларнинг бирида маҳалламизда иш бошлаган ижтимоий ходимнинг эшигини тақиллатиб келиши ҳаётимни буткул ўзгартириб юборишини билмагандим, ҳатто орзу ҳам қилмагандим, - дея эслайди Шайхонтохурнинг "Камолон" маҳалласида яшовчи Феруза Раҳимжонова. - Оилавий ҳолатимни ўрганишди. Ёрдамга, қаровга муҳтож боламдан ортиб, ишлай олмаётганимни, аҳволим оғирлигини кўриб, ижтимоий реестрга киритишди. Кейин болам имтиёзли асосда "Имкониятлар олами" марказига жойлаштирилди. Бу эса унинг таълим олишига, менинг эса ишлашимга шароит яратди. Маҳалладан тикувчиликни йўлга қўйишим учун жой ажратилди, субсидия асосида тикув машинаси олдим. Мана, ишлаб, даромад топа бошладим. Рўзгоримга хотиржамлик, барака кирди. Бошқача айтганда, ёруғ кунларим бошланди. Мен ёлғиз эмаслигимни, давлатимиз мен каби қийналган инсонларга умид ва мадад бериб, ўз ҳимоясига олишини кўриб, ҳис қилиб турибман. Бунинг учун мени йўқлаб, ёрдам қўлини чўзган "Инсон" марказидан миннатдорман.

Ферузанинг самимиятга тўла миннатдорлик туйғуси тафти бизга ҳам кўчади. Шунини ишонч билан айта оламизки, бугун юртимиздаги минглаб маҳаллаларнинг ҳар бирида Феруза сингари оғир ҳаётини вазиятларда ёлғиз қолмай, ҳаётига мазмун кирган инсонларни учратамиз.

Бунинг ўзиёқ мамлакатимизда тизимли равишда такомиллашиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг манзиллилиги ва натижадорлиги таъминланаётганидан далолат эмасми?!

Дарҳақиқат, ижтимоий сиёсат ҳар бир давлат ривожланиши ва бошқарувининг, таъбир жоиз бўлса, таянч устунидир. Жамиятдаги турли шахслар ва турли гуруҳлар ўртасидаги тенгликни тартибга солишда, ижтимоий адолат ва ижтимоий мувозанатни таъминлашда унинг ўрни бекиёс. Социолог-олимлар ижтимоий сиёсатни тарихий феномен сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида қарор топган, деган қарашни илгари сурсалар-да, олис мозий инсоният тамаддунида ижтимоий тенгсизлик ва ижтимоий зиддиятларни бартараф этишда иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа таъсир механизмларини амалда қўллаган давлатлар ҳамда ҳукмдорларнинг сафи оз бўлмаганини кўрсатади. Бинобарин, сохибқирон Амир Темур ҳам "Куч - адолатда" дея раиятни ҳимоя қилиш қудратли салтанатни барпо этишнинг муҳим омилларидан эканини таъкидлаган.

Жамиятда беш қўл баробар бўлмаганидек, давлат кўмагининг у ёки бу шаклларига эҳтиёжманд қатлам вакиллари бор. Кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, ишсизлар, болалар... Республикамиз аҳолиси умумий сонидан уларнинг улуши кам эмас, албатта.

Шунга кўра, ҳозирги эркин бозор муносабатларига ўтиш шароитида Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий адолат ва ижтимоий барқарорликка асосланган инсонпарвар сиёсатда собит экани ҳамда бу жараён халқаро минбарларда эътироф этилаётгани кишига мамнуният бағишлайди. Айниқса, сўнгги йилларда ижтимоий соҳада жуда муҳим ва дадил қадамлар ташланди. Одамларнинг умумқайфиятига таъсир этувчи муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, ижтимоий кафолатларни, аҳолини ҳар томонлама ҳимоялаш чораларини кўриш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Хусусан, 2023 йили янгиланган Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида мақоми мустақамланиб, давлатнинг бу соҳадаги мажбуриятлари уч баробарга кўпайтирилди. Аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш, фуқароларни ишсизликдан ҳимоялаш, камбағалликни қисқартириш, сифатли тиббий ёрдамга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш, таълимнинг барча шакллари



## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ: АНИҚ, МАНЗИЛЛИ ВА САМАРАЛИ

гамхўрлик қилиш, ҳамма учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид давлат мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди.

Шундай қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, даромадлар ва яшаш тарзида кескин тафовутларнинг, тенгсизликнинг олдини олиш, ҳар бир инсонни давлатнинг эътибори ва гамхўрлигидан баҳраманд этиш мақсадларини изчил рўёбга чиқармоқда. Мисол учун, пенсия ва ижтимоий нафақалар

11 фоизга қисқартиришга имкон яратди.

2025 йилда эса 14 трлн сўмдан ортиқ маблағ аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган. Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали 1,2 млн оила кешбек ва ёрдам тўловларини олган. 4,2 трлн сўм кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун, 2 трлн сўм 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болалар учун, 5,3 трлн сўм иш стажига эга бўлмаган фуқароларга нафақа учун ажратилган. 5,2 млн нафар аҳолини банд қилиш ва 1,5 миллиондан зиёд кишини камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилган.

Мана, 2026 йилга келиб, бу борада янада катта марра қўйилмоқда: юртимизда камбағаллик даражасини 2,8 фоизгача ва ишсизликни 4,5 фоизгача пасайтириш, бундан ташқари, 263 мингта камбағал оилаларни (1,1 млн аҳолини) уларнинг даромадини оширишга қаратилган хизматлар билан қамраб олиш, камбағаллик ва ишсизликдан холи маҳаллалар сонини 3,5 мингтага етказиш чоралари кўрилади.

Камбағалликка тушиб қолиш хавфи мавжуд қатламлар - ёшларнинг, аёлларнинг биринчи галда тобора рақобат муҳитига кириб бораётган меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, бунинг учун уларни талабгир касбларга ўқитиш борасидаги ижтимоий дастурлар ҳам ўз самарасини бера бошлади.

Худди шундай, ногиронлиги бўлган ҳамюртларимиз учун таълим, бандлик, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш ва бошқа жабҳаларда тенг имкониятларни яратиш, уларни жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси деб тан олувчи ижтимоий норманинг амалий тасдиғини топиши йўлида қилинаётган ишларнинг қамрови кенг. Ёки кекса авлод вакилларининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга устувор эътибор қаратилаётганини ҳаммамиз аниқ-равшан кўриб турибмиз.

Шуниси аниқки, мамлакатимизда ижтимоий соҳанинг барча йўналишида шаҳдам ўсиш тенденцияси кузатишмоқда. Юртимиздаги ҳар бир оила ва инсон тақдирига алоҳида, профессионал ёндашишга ҳаракат қилинмоқдаки, бу одамларимизда чин маънода ислохотлардан розилик ҳиссини уйғотаётир.

"Инсон қадрини учун" тамойили асосида рўёбга чиқарилаётган сўнгги ўзгаришлар ҳақида сўз борганда, сўзсиз, ижтимоий хизматлар сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизими жорий

қилинганини қайд этмоқ ўринли. Ушбу мақсадда 2023 йилда давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида мувофиқ Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгани ва ўша йил октябрь ойидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)ларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари очилгани бугун амалда ўзини тамомила оқламоқда.

Эслайлик, ўша даврга қадар оғир ҳаётини вазиятга тушган тоифадаги аҳоли, хусусан, ногиронлиги бор шахслар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, оилада зўравонликка учраган аёлларга ижтимоий хизматлар турли вазирликлар томонидан тарқоқ ҳолда амалга ошириб келинган эди. Айна ижтимоий соҳада ягона давлат сиёсатини юритувчи органнинг ташкил қилиниши ана шу эҳтиёжманд инсонларга зарур ёрдамларни кўрсатишни тамомила янги босқичга олиб чиқди. Худудларда очилган "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари маҳалла даражасида ҳар бир хонадоннинг аҳолини ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, оилаларнинг ижтимоий паспортларини шакллантириб, камбағалликдан чиқариш борасида қўлга киритаётган ютуқлари йилдан-йилга залворлашиб бормоқда.

- Чиндан ҳам 2023 йил ислохотларнинг институционал сифоци бўлди, - дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бўлим бошлиғи Ф. Назаров. - "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш тўғрисида"ги Президент Фармони ва тизимга дахлдор қарорлар орқали ижтимоий ҳимоя тизимида ягона марказ ва аниқ бошқарув вертикали яратилди. Мазкур ислохотлар доирасида ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим амалий бўғини сифатида ижтимоий ходим институти шакллантирилди ва унинг роли тубдан қайта кўриб чиқилди. Худудларда ташкил қилинган "Инсон" ижтимоий марказлари аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдамларни "бир дарча" тамойили асосида кўрсатиш, турли идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг муаммоларини жойида ҳал этишнинг асосий институционал платформасига айланди. Энг муҳими, хизматлар инсон яшайдиган муҳитга - маҳаллага яқинлаштирилди. Бугун бу тизим хонадонларгача кириб боргани, эҳтиёжманд аҳоли билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилгани барча учун тенг имконият яратилган инклюзив жамиятни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Индаллосини айтганда, ҳар бир инсоннинг муносиб

турмуш шароитида яшаши, ислохотлардан розилик ҳисси ортини, эҳтиёжманд оилалар сонини камайитириш мақсадида жамиятнинг энг куйи бўғинигача тушиб, "маҳаллабай" ишлаш тизими шакллантирилгани ўз самарасини бермоқда. Эттига устувор йўналишни ўз ичига олган "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури эса бу борадаги ишларга янги суръат бағишлади.

Доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбасига эга бўлиши учун шароит яратилаётгани, давлат хусусий секторни қўллаб-қувватлаётгани, ИТ, сунъий интеллект, финтех каби юқори даромад келтирадиган соҳаларда стартаплар экотизими ривожлантирилаётгани Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда муҳим

# ““

МАНА, 2026 ЙИЛГА КЕЛИБ, БУ БОРАДА ЯНАДА КАТТА МАРРА ҚЎЙИЛМОҚДА: ЮРТИМИЗДА КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ 2,8 ФОИЗГАЧА ВА ИШСИЗЛИКНИ 4,5 ФОИЗГАЧА ПАСАЙТИРИШ, БУНДАН ТАШҚАРИ, 263 МИНГТА КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАРНИ (1,1 МЛН АҲОЛИНИ) УЛАРНИНГ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ, КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ МАҲАЛЛАЛАР СОНИНИ 3,5 МИНГТАГА ЕТКАЗИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАЭТИР.

йўналишлардан бирига айланмоқда. Сифатли таълим асосида инсон капиталини ривожлантириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, тиббий хизматни яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам билан манзилли ишлаш жараёнлари жадаллашмоқда.

Ижтимоий ҳимоя - инсон ҳуқуқи, имконият ва барқарор тараққиёт асоси. Ижтимоий ҳимояга сармоа эса моҳиятан инсон ва унинг қадрини, манфаатлари устуворлигини таъминлаш учун йўналтирилган ресурс ҳисобланади. Шу маънода ижтимоий ҳимоя тизими аҳоли барча қатлами эҳтиёжларига мос равишда такомиллашиб бораётгани алоҳида диққатга моликдир.

Янги Ўзбекистонда яратилган "Инсон" марказлари - бу ижтимоий ҳимоянинг ҳақиқий намунаси: улар ҳар бир фуқаронинг қадр-қиммати ва хавфсизлигини таъминлаяпти, десак, асло муболаға эмас!

-Ҳар кун бир нечта хонадонда бўлиб, турли тақдирлар билан юзма-юз келамиз, - дейди Боёвут тумани Муқимий номидаги МФЙ ижтимоий ходими Шоҳруҳ Абдурайимов. - Шунда одамларда биргина муаммоларни эмас, аввало, умидни кўраемиз. Ҳар бир оиланинг ҳолатини ўрганиб, эҳтиёжларини баҳолаб, аниқ режа асосида ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш фаолиятимизнинг негизидир. Мақсадимиз эса битта: кўмакка муҳтож инсон оёққа турсин, ўз салоҳиятини, имкониятини юзага чиқарсин, ривожлансин, ҳаётда, жамиятда ўрнини топсин. Шу маънода ижтимоий ҳимоя - бу фақат ёрдам эмас, балки инсонларга имконият бериш эканини, муҳими, жамиятимизда ҳеч ким ижтимоий, моддий ва маиший муаммолари билан ёлғиз қолмаслигини, ҳар қандай мушкул вазиятда "Инсон" марказлари уларни эшитишини, зарур ёрдам қўлини чўзишини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга ҳаракат қилишимиз. Зотан, инсон қадрини улуглаш орқали одамлар учун муносиб шароит яратиш Янги Ўзбекистонда барча ислохотлар замиридаги бош мақсад ҳисобланади.

**Фарида МАҲКАМОВА,**  
**"Ўзбекистон овози"**  
**муҳбири.**

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ РИВОЖЛАНИШ:

# ЎЗБЕКИСТОН ҚАНДАЙ ЎЗГАРМОҚДА?



**Жаҳонгир ИСАЕВ,**  
Барқарор ривожланиш  
маркази бўлим бошлиғи.

**Бугунги глобаллашган дунёда давлатларнинг нуфузи фақат географияси, табиий бойликлари ёки ҳарбий қудрати билан эмас, балки улар ҳақида шаклланган тасаввур – ишонч, шаффофлик ва барқарорлик билан ҳам ўлчанади. Ана шу тасаввурни шакллантиришда халқаро рейтинг ва индекслар алоҳида ўрин тутати.**

Халқаро рейтинг ва индекслар давлатларнинг сиёсий-ҳуқуқий тараққиёти, ислохотлар суръати ва институционал салоҳияти ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантирувчи муҳим ахборот воситасига айланди. Ана шундай манбалардан бири – Қонун устуворлиги индекси (Rule of Law Index) бўлиб, у World Justice Project (WJP) томонидан тайёрланади. WJP ўзини қонун устуворлигини глобал миқёсда илгари суришга қаратилган мустақил, кўп тармоқли ташкилот сифатида тавсифлайди, у 2006 йилда Америка юристлар ассоциацияси (American Bar Association) ташаббуси билан ташкил этилган ва 2009 йилдан мустақил нотижорат тузилма сифатида фаолият юритиб келмоқда. Ташкилотнинг расмий маълумотларига кўра, 2025 йилги индекс 143 мамлакат ва ҳудудни қамраб олган, баҳолаш 8 та омил ва 44 та субомил асосида тузилган ҳамда 215 мингдан ортиқ аҳоли сўрови ва 4 100 дан зиёд ҳуқуқшунос ҳамда эксперт жавобларига таянган. Демак, бу ҳисоботга енгил-елли эмас, жиддий таҳлилий манба сифатида қараш лозим.

2025 йилги WJP ҳисоботига кўра, Ўзбекистон қонун устуворлиги бўйича 143 давлат орасида 81-ўринни, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги 15 давлат ичида 8-ўринни эгаллаган. Энг муҳим жиҳати шундаки, глобал миқёсда

давлатларнинг 68 фоизиди қонун устуворлиги кўрсаткичи пасайган бир шароитда Ўзбекистон натижаси яхшиланган кам сонли мамлакатлар қаторидан жой олди. Ҳисоботда яна “Тартиб ва хавфсизлик” (Order and Security) омили бўйича мамлакат 17-ўринни, минтақада 1-ўринни эгаллагани, “Коррупциядан холилик” (Absence of Corruption) бўйича 67-ўрин, фуқаролик ишлари бўйича судлов тизими (Civil Justice) бўйича 73-ўрин, жиноят ишлари бўйича судлов тизими (Criminal Justice) бўйича 68-ўрин қайд этилгани кўрсатилган.

Аслида бундай халқаро рейтингларда Ўзбекистон нечанчи ўринда тургани эмас, балки бу ўрин ортида қандай сиёсий, ижтимоий ва маданий манзаралар акс этиши ҳаммасидан муҳим. Чунки ҳар қандай индекс, ҳатто профессионал ва пухта методологияга эга бўлса ҳам, барибир муайян назарий ёндашувга таянади. WJPнинг ўзи ҳам методологиясида индекс мамлакат ҳолатининг тўлиқ манзарасини эмас, аниқ танланган омиллар орқали қонун устуворлигининг муайян қирраларини ўлчашини тан олади. Шунинг учун бундай рейтингни мутлақ ҳукм сифатида эмас, таҳлил учун аҳамиятли сигнал сифатида қабул қилиш тўғриси бўлади.

Давлат бошқарувининг очиклиги (Open Government), асосий ҳуқуқ ва эркинликлар (Fundamental Rights), фуқаролик иштироки (Civic Participation), фикр ва сўз эркинлиги (Freedom of opinion and expression), йиғилиш ва бирлашиш эркинлиги (Freedom of assembly and association) каби мезонлар турли жамиятларда турлича намоён бўлади. Ғарб мамлакатларида фуқаролик иштироки кўпроқ нодавлат ташкилотлар, оммавий акциялар, мустақил медиа ва лоббичилик маданияти орқали кўринса, Осиёда эса маҳалла, оила, кўшничилик, жамоавий маслаҳат ва ижтимоий ҳамжиҳатлик орқали шаклланади. Шунинг учун барча мамлакатларни яқин сиёсий-маданий мезонлар асосида баҳолаш ҳар доим ҳам тўлиқ ва холис манзарани ифода этмаслиги мумкин.

Хорижий давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, рейтингда юқори ўрин эгаллаш автоматик равишда мукамал ҳолатни аниқламайди. Европа Комиссиясининг 2025 йилги Қонун устуворлиги ҳисоботи (Rule of Law Report)да Европа Иттифоқининг барча аъзо давлатларида ҳам ижобий, ҳам салбий ўзгаришлар мавжудлиги очик қайд этилган. Ҳужжат суд тизими, коррупцияга қарши чоралар, медиа плюралиزم ва эркинлиги, шунингдек, ҳокимиятлар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизими



**ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН ҚАРАГАНДА, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУНЛИКЛАРИДАН БИРИ — ХАВФСИЗЛИК ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИДИР. WJP ҲИСОБОТИНИНГ ЎЗИ МАМЛАКАТНИ “ТАРТИБ ВА ХАВФСИЗЛИК” (ORDER AND SECURITY) БЎЙИЧА 17-ЎРИНГА, МИНТАҚАДА ЭСА 1-ЎРИНГА ҚЎЙМОҚДА.**

(checks and balances) билан боғлиқ соҳаларда ривожланиш билан бирга, ҳал этилмаган муаммолар ҳам сақланиб қолаётганини кўрсатади.

Франция мисоли бу фикрни янада яққол тасдиқлайди. Eurostat маълумотига кўра, 2023 йилда Европа Иттифоқида қамқоқоналарнинг ортиқча тўлганлик даражаси энг юқори бўлган мамлакатлар қаторида Франция 122,9 кўрсаткич билан қайд этилган. Италияда бу кўрсаткич 119,1 бўлган. Демак, ҳуқуқий институтлари анча ривожланган деб баҳоланадиган давлатларда ҳам жазони ижро этиш амалиёти, қамқоқ шароитлари ва инсонпарварлик стандартлари билан боғлиқ жиддий муаммолар сақланиб қолиши мумкин. Рейтинг жадвалида юқорироқ туриш ҳар доим ҳам реал ҳаётдаги барча муаммолар ҳал этилганини аниқламайди.

Буюк Британиядаги вазият ҳам шунга ўхшаш ҳулосага олиб келади. Британия Адлия вазирлигининг 2026 йил март ойида эълон қилган расмий статистикасига кўра, 2025 йил декабрь охири ҳолатида Crown Court — оғир тоифадаги жиноят ишларини кўрувчи судларда кўрилмай турган очик ишлар сонини 80 203 тага етган. Бу кузатувлар сериясидаги энг юқори кўрсаткич бўлиб, очик ишнинг медиан “ёши” 188 кунга чиққан, бир йилдан ортиқ вақт давомида очик турган ишлар сонини эса 21 002 тага етган. Бу рақамлар халқаро имижини мустаҳкам бўлган суд тизимларида ҳам ишларнинг тўпланиб қолиши,

кечикиш ва одил судловга тезкор етишиш билан боғлиқ муаммолар долзарблигича қолаётганини кўрсатади. Кучли институтлар ва нисбатан юқори халқаро рейтинг ҳатто ривожланган давлатларда ҳам кундалик хавфсизликнинг юқори даражасини автоматик қафолатламайди.

Шу нуқтага назардан қараганда, Ўзбекистоннинг энг муҳим устунликларидан бири — хавфсизлик ва жамоат тартиби соҳасидаги амалий натижаларидир. WJP ҳисоботининг ўзи мамлакатни “Тартиб ва хавфсизлик” (Order and Security) бўйича 17-ўринга, минтақада эса 1-ўринга қўймоқда. Бу шунчаки статистик рақам эмас. Бу — кундалик ҳаётда нисбатан барқарор муҳит, тинч маҳалла, жамоат тартиби ва давлатнинг базавий хавфсизлик функциялари ишлаётганининг муҳим индикатори. Янги Ўзбекистон тажрибасининг яна бир кучли жиҳати — ислохотларнинг қоғозда эмас, фуқаро ва тадбиркор ҳаётида сезиларли бўла бошлаганидир. 2026 йил апрель ҳолатига келиб, давлат хизматларини соддалаштириш, тадбиркорлик муҳитини енгиллаштириш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантиришга қаратилган ислохотлар амалий натижалар бераётгани янада яққол кўринмоқда. Миллий статистика қўмитаси маълумотига кўра, 2026 йил 1 апрель ҳолатида Ўзбекистонда 577,2 мингта корхона ва ташкилот фаолият юритмоқда. Шундан 421 969 таси тадбиркорлик субъектлари, 417 250 таси эса кичик бизнес субъектларидир. Айни пайтда хорижий инвестициялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сонини 19 072 тага етган бўлиб, уларнинг 4 392 таси кўшма корхона, 14 680 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади. Бу рақамлар Янги Ўзбекистонда маъмурий тўсиқларни қисқартириш, тадбиркорлик учун қўлай муҳит яратиш ва ташки капитални жалб қилишга қаратилган ислохотлар 2026 йилда ҳам изчил давом этаётганини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг яна бир ўзига хос кучи — фуқаролик иштирокининг миллий шакллари таянишидир. БМТнинг Ўзбекистон бўйича 2025 йилги умумий мамлакат таҳлилий (Common Country Analysis) ҳужжатида Ўзбекистон Маҳаллалари уюشمаси тузилгани ва у 9 000 дан зиёд маҳаллаларни бирлаштиргани қайд этилган. Ҳужжатда ҳар бир маҳаллада “Маҳалла еттилиги” шакллантирилиб, у жамоа манфаатларини ифода этиш, ҳамкорликни кучайтириш, маҳаллий ташаббусларни қўллаб-

қувватлаш, ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли иштирокини оширишга хизмат қилиши таъкидланган. Бу ҳолат шунини кўрсатадики, фуқаролик иштироки ҳар доим ҳам фақат ғарбча сиёсий фаоллик шакллари орқали эмас, балки маҳалла, кўшничилик ва жамоавий маслаҳат орқали ҳам самарали таъминланиши мумкин. Бу — миллий кадриятлар ва замонавий бошқарув ўртасидаги ўзига хос уйғунликдир.


Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар халқаро ташкилотлар томонидан тан олинган амалий натижалар билан мустаҳкамланмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти (XMT) 2022 йилда Ўзбекистон пахта соҳасида болалар меҳнати ва тизимли мажбурий меҳнат ҳақида меҳнат топганини эълон қилди. ХМТнинг расмий материалларида 2021 йилги пахта теримида иштирок этганларнинг 99 фоизи ихтиёрий меҳнат қилгани, барча вилоят ва туманларда мажбурий меҳнат ҳолатлари жуда кам ёки деярли йўқ даражага тушгани қайд этилган. Бу жуда муҳим факт. Чунки у мамлакатдаги ислохотлар фақат ички сиёсий баёнот эмас, балки ташқи мониторинг ва халқаро аудит олдида ҳам натижа берганини аниқлайди.

Ҳуқуқий пойдеворнинг мустаҳкамланиши ҳам Янги Ўзбекистон ислохотларининг муҳим қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ажралмас экани, уларни суд қарорисиз чеклаш мумкин эмаслиги, энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши аниқ белгиланган.

Айни пайтда WJP ҳисоботида Ўзбекистон учун ҳали такомиллаштиришни талаб этадиган соҳалар борлиги қўрсатиб ўтилган. Демак, манзара бирёклама эмас: муаммолар ҳам бор, натижалар ҳам бор. Ва холис таҳлил айнан шу икки томонни бирга кўриши керак.

Ғарб жамиятларида давлат ва индивид муносабатлари бир хил тарихий йўл билан шаклланган. Марказий Осиёда эса, хусусан, Ўзбекистонда оила, маҳалла, ҳудудий ҳамжиҳатлик, жамоавий масъулият ва ижтимоий барқарорликка алоҳида ўрин берилади. Шу боис фуқаролик майдони (civic space), жамоат иштирокининг шакллари ёки давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни баҳолашда ягона ғарбона қолип доимо ҳам тўлиқ манзарани очиб бермайди. Энг тўғри йўл — халқаро стандартларни инкор этмасдан, миллий тажриба ва институционал ўзига хосликни баҳолашдир.

СЎРОВ, ЖАВОБ, НАТИЖА



## БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

**Партиямиз электоратини ташвишга солаётган муаммолар, айниқса, маҳаллалар, ижтимоий соҳа объектларидаги инфратузилма билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда депутатлик сўрови институти самара бераётганини эътироф этишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва халқимизга Мурожаатномасида бундан буён депутат сўровлари ижроси ҳар чоракда таҳлил қилиниб, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритилиши таъкидланганидан кейин ташкилот раҳбарлари томонидан депутат сўровига муносабат ўзгаргани,**

**эътибор ва масъулият ошгани ҳам айтиш керак. Бунинг депутатларимиз фаолияти давомида сезилди.**

Бугун депутатларимиз жойлардаги муаммоларни биладиган, аҳолининг дарду ташвишини тинглайдиган ва уларни давлат идоралари олдида қатъий кўтариб чиқаётган халқ вакилли сифатидаги масъулиятини тўлиқ англаб етган, десак, муболага бўлмайди. Улар доимо ҳаракатда.

Масалан, халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгаши депутати Фарҳод Халматовга “Кавардон” маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан мурожаат келиб тушгани. Унда ҳудудда жойлашган 3-умумтаълим мактаби олдида транспорт ҳаракати жуда юқори

экани, бу эса ўқувчиларнинг мактабга келиб-кейтишида ноқулайлик ва хавф туғдираётгани таъкидланган.

Ушбу мурожаат депутат томонидан жойига чиқиб ўрганилди. Ўрганиш натижасида мазкур ҳудудда хавфсизлик чораларини кучайтириш зарурлиги аниқланди ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи Д.Таштемиров номига депутат сўрови юборилди.

Депутатлик сўрови ижроси доирасида мактаб олдидаги пиёдалар ўтиш жойига замонавий светофор ўрнатилди.

- Очиги, муаммо қисқа муддатда ижобий ҳал бўлганидан аҳоли жуда мамнун, - дейди депутат Ф.Халматов. - Ташқаридан қараганда бу кичкина муаммо бўлиб кўриниши мумкин, лекин инсон, айниқса, болалар хавфсизлиги билан боғлиқ масаланинг катта-кичиги бўлмайди.

Ҳа, эндиликда ўқувчиларнинг йўлдан хавфсиз ўтиши учун қўлай шарт-шароитлар яратилганлиги маҳалла аҳли, ўқувчилар қувончига қувонч қўшди.

**Латиф МАНСУРОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ  
туман кенгаши раиси.

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ



## "ЎЗБЕКНЕФТГАЗ" АЖ:

# "ДОЛЗАРБ 100 КУНЛИК" ДА ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ?

Шу кунларда ҳудуд ва тармоқларда жорий йилнинг биринчи чорагидаги иқтисодий ўсиш таҳлили муҳокама қилиниб, навбатдаги устувор вазибалар белгила олинмоқда. "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ҳам соҳа мутасаддилари ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари ҳамда "Долзарб 100 кунлик" дастури доирасида эришилган натижалар юзасидан оммавий ахборот воситалари вакиллари маълумот берди.

– "Долзарб 100 кунлик" дастури доирасида геология-қидирув ишларидан тортиб, бургулаш, қазиб чиқариш, қайта ишлаш, инвестиция сиёсати ва ижтимоий ҳимоя йўналишларига бўлган барча босқичларда тизимли ўзгаришлар кузатилмоқда, – дейди "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Сухроб Ҳамроев. – Бунда, энг аввало, молиявий барқарорликни таъминлаш ва харажатларни мақбуллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада жорий йилнинг дастлабки чорагида 2,5 триллион сўм харажатлар оптималлаштирилди. Шунингдек, товар-моддий ресурслар ва хизматлар нархларини пасайтириш, дебитор қарздорликларни ундириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри музокаралар орқали 1,8 триллион сўм маблағ тежалди. Соҳага оид бўлмаган активларни тасарруфдан чиқариш орқали 30 миллиард сўм, қурилиш ва бургулаш лойиҳаларини оптималлаштириш ҳисобига эса 438 миллиард сўм тежамкорликка эришилди.

Матбуот анжуманида геология-қидирув ишлари ҳам янги босқичга кўтарилгани ҳамда замонавий 3D сейсмик тадқиқотлари асосида истиқболли майдонлар аниқланиб, ресурс базаси кенгайтирилиб борилаётгани қайд этилди. Шунингдек, жами 10 000 кв.км ҳажмда 3D сейсмик ишлар амалга оширилиши режалаштирилгани, бу ўтган йилга нисбатан 4 баравар кўп эканлиги, ер қаъридан самарали фойдаланиш мақсадида 42 та инвестиция блоқи бўйича рухсатномалар олинди, замонавий геофизик ускуналари жалб этиш, сейсмик тадқиқотлар сифатини ошириш орқали ресурс базасини кенгайтириш бўйича ишлар изчил давом эттирилаётгани таъкидланди.

– Жорий йилда жамиятимиз тарихидаги энг катта бургулаш ҳажми амалга оширилиши режалаштирилган, – дейди "Ўзбекнефтгаз" АЖ қайта ишлаш бўйича бошқарув раиси ўринбосари Абдоржон Худойбергенов. – Жами 102 та қудуқ бургулаш кўзда тутилган бўлиб, шундан 57 таси излов-қидирув, 45 таси эса ишлатиш қудуқларидир. Йил бошидан шу вақтга қадар жами 16 та қудуқдан санат микёсига газ оқими олинди. Қорақалпоғистон Республикасида 3 та янги кон топилди. Бундан ташқари, 29 та қудуқ таъмирланди ва 11 та технологик тадбир амалга оширилди. АҚШнинг нуфузли "Schlumberger" компанияси билан ҳамкорликда 10 та плунжер насос харид қилиш, "Urwing Energy" компанияси билан ҳамкорликда эса қудуқ тубига туширилаётган компрессорларни қўллаш бўйича лойиҳа ишлари бошлаб юборилган. Шунингдек, конларда газ қазиб олиш

барқарорлигини таъминлаш, захираларни максимал даражада ўзлаштириш мақсадида кўшимча 35 та кичик компрессор агрегати харид қилинмоқда.

Бундан ташқари, газ конденсати, суюлтирилган газ, олтингургурт ва полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларида ҳам барқарор ўсиш таъминланган. Жумладан, 4,789 миллиард метр куб табиий газ, 141,3 минг тонна газ конденсати, 152,9 минг тонна суюлтирилган газ, 48 минг тонна олтингургурт ва 36,1 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқарилган. Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектига 132,2 минг тонна суюлтирилган газ етказиб берилишига эришилган.

Этиборли жиҳати, "Uzbekistan GTL" заводида синтетик нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш барқарор йўлга қўйилиб, маҳсулот ҳажми 169 фоиз ўсиш билан 89,1 минг тоннага ошган.

"Долзарб 100 кунлик" дастури инвестиция сиёсатини қайта кўриб чиқишда ҳам муҳим босқич бўлди. Ҳар бир лойиҳа эндиликда унинг иқтисодий самарадорлиги ва стратегик аҳамиятидан келиб чиқиб баҳоланмоқда. Шу асосда Хитойнинг CNPC корпорацияси таркибидаги "XIBU", "Shandong Molong", "Hengyang Valin" ҳамда "BGP" компаниялари билан ҳамкорлик бўйича келишувларга эришилган.

Умуман олганда, "Долзарб 100 кунлик" дастури геология ва ишлаб чиқариш йўналишларида юқори натижаларни таъминлаб, тармоқни янги ривожланиш босқичига олиб чиқмоқда.

**Тоштемир Худойқулов,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

## СПОРТ

ФУТБОЛ:

## ОСИЁ КУБОГИ УЧУН ЯКУНИЙ ТАРКИБ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ



Жорий йилнинг 5-22 май кунлари Саудия Арабистони футбол бўйича U17 Осиё кубоғига мезбонлик қилади. Унда қитъамизнинг 16 терма жамоаси 4 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро курашади.

Мазкур мусобақада Ўзбекистон U17 термаси "D" гуруҳидан ўрин олган бўлиб, Австралия, Ҳиндистон ва КХДР билан майдонга тушади. Терма жамоасини мураббийи Сергей Чигодаев томонидан ушбу мусобақага қуйидаги футболчилар танлаб олинди.

Дарвозабонлар: 1.Олимжон Шомуротов, 12.Меҳрож Сирожиiddинов, 21.Абдулборий Зоиджонов.

Ҳимоячилар: 2.Машхурбек Абдосолиев, 3.Мухаммадзиз Рўзибоев, 4.Мухаммад Ҳакимов, 5.Элсавар Олимов, 13.Миржамол Анваров, 15.Нурмухаммад Уктамов, 16.Ади Абдунабиев, 22.Абубакир Раҳимов.

Ярим ҳимоячилар: 6.Мухаммад Маматов, 7.Амирхон Эркинов, 8.Ислом Равшанов, 10.Миркомил Муродов, 11.Сухроб Садириджанов, 14.Мухаммад-Одилхон Орифонов, 17. Жаҳонгирмирзо Уктамбоев, 19. Ахрор Равшанбеков, 18.Фаррух Ҳайитмуродов.

Хужумчилар: 9. Асилбек Алиев, 20. Лазиз Абдураимов, 23. Рустам Алиев.

Эслатиб ўтамиз, ЖЧДа қизил карточка олган Асилбек Алиев дисквалификация қилинган ва 3 та ўйинда иштирок этолмайди.

БОКС:

## ЖАҲОН КУБОГИ ИЛК БОСҚИЧИДА 3 ТА МЕДАЛЬ



World Boxing федерацияси томонидан 18-27 апрель кунлари Бразилиянинг Фос-ду-Игуасу шаҳрида ташкил этилган жаҳон кубогининг биринчи босқичида Ўзбекистон терма жамоаси медаллар жадвалида 6-ўринни эгаллади.

50 та мамлакатдан 400 дан ортиқ боксчи иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада 4 нафар боксчимиз 2 та олтин ва 1 та бронза медални қўлга киритди.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, мазкур жаҳон кубогининг иккинчи босқичи 15-21 июнь кунлари Хитойнинг Гуйянг шаҳрида ўтказилади. Якуний босқич 25 ноябрь – 2 декабрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтади.

## "СУВ ПАРИСИ – 2026": ЭНГ МАҲОРАТЛИЛАР АНИҚЛАНДИ



"Олимпия шаҳарчаси"даги Сув спорти турлари саройида "Сув париси – 2026" очик халқаро турнири бўлиб ўтди.

Мазкур икки кунлик мусобақада Ўзбекистон, Россия, Қозғистон ва Беларусь давлатларининг 180 нафарга яқин спортчилари техник ва эркин дастурлар, дуэт ва гуруҳ чиқишларида ғолиблик учун кураш олиб борди.

Турнирнинг илк кунги баҳсларида Сабина Маҳмудова (Ўзбекистон-1), Мария Липинская (Россия), Милана Римша (Россия) яқинки йўналишларда ғолибликка эришди.

Мусобақанинг ёшлар ўртасидаги техник дастурида Сабина Маҳмудова ва Хадича Агзамовадан иборат Ўзбекистон-1 жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Халқаро турнирнинг 12 ёшли спортчилар иштирокидаги дуэт чиқишларида ҳамюртларимиз 2-ўринни банд этишди.

**Интернет материаллари асосида Тоштемир МУРОД тайёрлади.**

## ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

# 20 НАФАР ТАЛАБА ПАРТИЯМИЗНИ ТАНЛАДИ

Ҳар қандай сиёсий партиянинг кучи, албатта, унинг аъзолари сони ва салоҳиятига ҳам боғлиқ. Тарафдорларнинг асосий қисми ташаббускор бўлиши эса кўзланган эзгу мақсадларга эришишда мустаҳкам замин яратади. Бу борада Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгашида ўзига хос мактаб яратилгани қувонarli. Айни кунларда ҳудудда 8 минг 600 нафардан ортиқ партиядошимизни бирлаштирган 67 та кўйи бўғин фаолият кўрсатмоқда. Сафдошларимизнинг ўттиз фоиздан зиёди ёки 1 минг 800 нафарга яқинини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил қилади. Ўтган йили 4 минг нафарга яқин киши аъзоликка қабул қилинди.

Сафларни ҳар жиҳатдан салоҳиятли авлод вакиллари билан тўлдириш мақсадида Денов тадбиркорлик ва педагогика институтида Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи ташаббус билан "Депутат ва ёшлар учрашуви" ташкил этилди.

Сиёсий куч масъуллари,



депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, устозлар, ёшлар, меҳмонлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган анжуманда истиқлол дилбандлари учун кенг имкониятлар яратилгани алоҳида таъкидланди. Уларнинг таълим олиши ҳамда касб эгалари бўлишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинганига эътибор қаратилди. Бир гуруҳ талабаларнинг партиямиз сафига тантанали қабул қилингани эса янада шуқуҳли кечди.

– Юрт таянчи бўлган давомчиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш давлат сиёсати

даражасига кўтарилган, – дейди халқ депутатлари Денов туман Кенгаши котибият мудир, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Мухаммади Абдурайимов. – Ўсиб келаётган авлоднинг сиёсий фаоллигини ошириш ва юртимиздаги кенг қўламли бунёдкорликларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклаши табиий. Бугунги учрашувда шулар ҳақида суҳбатлашдик.

– Ҳозирги кунда даргоҳда 8 минг нафардан ортиқ дилбандларимиз таълим-тарбия олмоқда, – дейди халқ депутатлари Денов туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Бобуржон

Хидиров. – Уч юз нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар давомчиларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар бўлиб вояга етишларида камарбаста. Ёшлар байрамига айланиб кетган шодиёнада 20 нафар иқтидорли йигит-қиз партия аъзолигига қабул қилинди ҳамда уларнинг умумий сони 150 нафарга етди. Яна 80 нафар талаба сафимизга қўшилиш истагини билдирганидан хурсандимиз.

– Ёшларимизни қийнаб келаётган масалаларни ўрганиш ҳамда уларга ечим топишда Ўзбекистон ХДПнинг ўз ўрни ва ўз сўзи бор, – давом этади Азизахон Пардаева.

– Ногиронлиги бўлган шахсларга амалий ёрдам бериш, кексаларга мурувват кўрсатиш, нурунийлар турмуш фаровонлигини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини доимий қўллаб-қувватлаш сиёсий кучнинг устувор мақсади ҳисобланади. Ана шундай хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшиш учун биз ҳам ЎзХДПни танладик. Масъулиятини янада чуқур ҳис қилган ҳолда юксак ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАНРИР НАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalander ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toشtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 437. 4005 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda